# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 1 ” апрел Қ-465 -son Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “SURXON-SOHIL BO’STON” номли кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 29 мартдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 29 мартдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Жайловов Мухаммад бошлиқ “SURXON-SOHIL BO’STON” номли кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда бўлган “Ш.Мирзаев” массиви ҳудудида хўжалик харитасида 28а, 29, 75а-дала контурларидан жами 2,76 гектар, шундан 0,44 гектар қурилиши тагидаги ерлар, 1,77 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони, 0,49 гектар арик, 0,06 гектар йўл 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

**Туман ҳокими** O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI * DEVONXONA **Р.Гаппаров**

ASLIGA TO'G'RI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA MUDIRI

Қумқурғон туман ҳокими
Р. Гаффаровга

Янги кишлоқ маҳалла фуқароси Исайловов Муҳаммад Чори ўғли томонидан

# Ариза

Ёзамон ушбу аризани шу ҳақдаким менга кишлоқ хужалигида боғдорчилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун учун Шароф Рашидов худудидаги кишлоқ хужалигида фойдаланилмаётган туман ҳокими захирасидаги 29-к контурдаги 2.30га ва 65-к контурдаги 0.42 гектар майдонларни ўз хисобимдан боғдорчилик фермер хужалиги ташкил этиш учун рухсат беришингизни илтимос килиб сўрайман: деб ариза берувчи

(имзо) М. Исайловов.

4. март 2021 йил. Телефон 930796701.

| | |
|---|---|
| SAHIFALAR SONI | 1 |
| KIRISH № | 574/01-41 |
| SANASI | 04.03.21 |

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo`jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани,Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

2021 йил «04» март Қумқўрғон тумани № 175

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туман "Янги қишлоқ" маҳалласида яшовчи фуқора Жайловов Мухаммадга боғдорчилик фермер хўжалигига ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида**

**Х У Л О С А**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги "фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Жайловов Мухаммадга боғдорчилик**фермер хўжалик юритиш учун қўшимча ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер,деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Меҳнат дафтарчасига кўра иш стажи 7 йил.
2. Маълумоти ўрта-махсус, хуқуқшунос.
3. Деҳқон бозори томонидан берилган маълумотномага асосан 3 бош қорамоли, 8 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг техникасчи мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 4 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгор мавжуд 0,30 га томорқасидан ғалла, сабзавот ва полиз экинлари экиб самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

**Қумқўрғон тумани "Янги қишлоқ" маҳалласида яшовчи Жайловов Мухаммадга "Ш.Мирзаев" худудидан боғдорчилиик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.**

**Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман "Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"га юборилсин.**

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:** **А.Самадов**

**574/01-41**
**04.03.2021 й**